Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 16 февраль шанба

Сотувда эркин нархда

№ 35 (2863)

*2001 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари, иқтисодий ислоҳотларнинг бориши баҳолангандa макроиқтисодий барқарорликни сақлаб туришга эришилгани, ўсиб бориш жараёнлари давом этаётгани таъкидланди. Эндиги вазифа иқтисодиётимиздаги таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштиришдан иборат.*



# ЙИЛ САБОҒИ

***Республика Вазирлар Маҳкамаси йиғилишидаги Президентимизнинг нутқи биз, деҳқонларни қаттиқ ҳаяжонлантирди. Айниқса, мен Юртбошимизнинг жойлардаги ҳақиқий аҳволни пухта билиши, мавжуд хато ва камчиликлардан тўлиқ хабардор эканлигидан ҳайратга тушдим ва қойил қолдим.***

## Ёниб яшашга даъват

Она-заминдан — ердан фойдаланишдаги ўзибўларчиликлар, хўжасизлик ҳоллари туфайли минглаб гектар ернинг умри беҳуда ўтаётгани рост. Ердан белгиланган мақсадларга зид равишда фойдаланиш, экин майдонларини қонунсиз равишда эгаллаб олиш ҳоллари мавжудлиги ҳам ҳақиқат. Буларнинг ҳаммаси охир-оқибатда жамоанинг ҳосилдорлиги ўта паст даражада бўлишига олиб келаётир. Бўлмаса, етарли даражада сув, ўғит билан таъминланган майдонлардан 10-12 центнердан пахта, 8-11 центнердан ғалла олинишини қандай изоҳлаш мумкин?

Бу мени, сизни — ҳаммамизни мулоҳаза юритишга даъват этадиган савол. Айни пайтда у бизни ён-атрофдаги воқеаларга тийрак кўз билан қарашга ундайди, қалбида озгина ғурури, ори бор деҳқонни, ўз эли, Ватани учун жон куйдираман, деган раҳбарни бу ҳақда чуқурроқ ўйлаб кўришга чорлайди. Ахир, Президентимиз бизни ёниб яшашга даъват этаяпти. Шунга шароит яратиб бераяпти.

Фермер хўжалигимизда 70 гектар ер мавжуд. Ўтган йили пахта ва ғалла бўйича белгиланган шартномавий режаларни ошириб бажардик. Натижада жамоа аъзоларимиз иш ҳақи, мукофотлардан ташқари анча миқдорда дон, ун, пахта ёғи, ҳатто чорва моллари учун хашагу ем ҳам олдилар.

Буларнинг ҳаммаси ғалла ҳосилдорлигини 35-40 центнерга, пахта ҳосилдорлигини эса 27-32 центнерга етказганимиз шарофатидир. Аммо йиғилишда айтилган сўзларни тинглар эканман, нафақат хўжалигимиз аъзолари, балки ўзим ҳам ҳали талаб ва имкониятлар даражасида меҳнат қилмаётганимизни қалбдан ҳис этдим. Президентимизнинг «...раҳбарлар эса худди шундай бўлиши керакдай қараб турaверишади», деган сўзлари айнан менга айтилгандай туюлди. Рост-да, қўшни «Пахтакор» хўжалиги фермерлари гектаридан 55-60 центнердан ғалла олишади-ю, нега биз орқада қолишимиз керак? Туманимизнинг давлатга пахта сотиш режасини бажармаслигида бизнинг айбимиз йўқми? Ширкат хўжаликлари меҳнаткашлари қачон иқтисодиётни ўйлаб, ҳосилдорликни кўтариш ҳақида қайғуриб меҳнат қиладиган бўлишади?

Шу нуқтаи назардан қараганда, жорий йилда хўжаликлар асосан фермер жамоаларига айлантирилаётгани жуда тўғри бўлди, деб ўйлайман. Фақат ер ўзининг ҳақиқий эгасини топсагина самара кўзга ташланади. Бу ишда кампаниячиликка асло йўл қўйиб бўлмайди.

**Эшмурод ФАЙЗИЕВ,**
**Пахтакор туманидаги Амир Темур номли хўжаликнинг фермери.**

### Эришган ютуқларимиз

***Ялпи ички маҳсулот ҳажми — 4,5 фоизга,***
***саноат ишлаб чиқариши — 8,1 фоизга,***
***қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш — 4,5 фоизга кўпайди;***
***аҳолининг реал даромадлари 16,9 фоизга ортди;***
***ташқи савдо айланмаси — 3,1 фоизга ўсди;***
***экспорт импортдан 128 миллион АҚШ доллари миқдорида кўп бўлди.***

## Мулкдорга эркинлик керак

Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил якунларига бағишланган йиғилишини телевизор орқали диққат билан кузатдим. Унда Юртбошимиз жорий йилда иқтисодиётимиз олдида турган устувор вазифаларни белгилаб бераркан, жумладан, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, кичик ва ўрта бизнес тараққиётида кескин бурилиш ясаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратди. Бугун мулкдорларнинг иқтисодий ҳаётдаги иштироки, хусусан, ишга яроқли аҳолининг 53 фоизи шу соҳада банд эканлиги яхши кўрсаткич эканлигини таъкидлади. Бироқ ҳали барқарор ишлай олмаётган йирик корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш, уларнинг акцияларини мулкдорларга, айниқса, хорижий сармоядорларга сотишда сусткашликка йўл қўйилаётгани ачинарлидир. Бундай ҳолни унча катта бўлмаган маҳаллий корхоналарни хусусий секторга бериш борасида ҳам учратасиз. Масалан, ўзим 1998 йилда собиқ таъмирлаш-қурилиш корхонасини хусусийлаштириб олгандим. Лекин у ҳанузгача ишга туширилмаган. Сабаби — вилоят давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси ҳамда Уйчи тумани ҳокимлиги, гарчи жамиятнинг 75 фоиз мулки менинг ихтиёримда бўлса-да, уни бошқаларга олиб бериш хусусида бир неча марта қарорлар қабул қилди. Адлия бошқармасининг аралашуви ҳам орадаги қарама-қаршиликларга чек қўя олмади. Бу айрим жойларда хусусий мулк эгаларига бошқача кўз билан қараш давом этаётганини кўрсатмайдими? Йўлимизга тўсиқ бўлаётганлар ислоҳотлар самарадорлигига путур етказаётганликларини билишармикан?

Мулкдорга нима керак? Эркинлик, бемалол ишлаши учун шароит зарур. Унинг фаолиятига асоссиз аралашувлар бўлмаса, бутун қобилиятини намоён этаверади. Йиғилишдан сўнг бу борадаги ишларим ҳам юришиб кетишига менда умид уйғонди.

**Саидолим АҲМЕДОВ,**
**Уйчи туманидаги «Қудрат» масъулияти чекланган жамиятнинг раиси.**

### Тараққиёт тўсиқлари

***Ердан унумли фойдаланиш самарадорлиги пастлигича қолмоқда;***
***сувдан хўжасизларча, назоратсиз фойдаланишга йўл қўйилмоқда;***
***энергетика ресурсларидан, аввало табиий газдан фойдаланиш қониқарсиз аҳволда;***
***31 та туманда хорижий инвестициялар иштирокида бирорта ҳам корхона ташкил этилмаган.***

### Устувор вазифалар

***Халқ хўжалиги тармоқлари ва корхоналарни модернизация қилиш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш асосида экспорт товарлари ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш;***
***Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш масаласини ҳал қилишда кескин бурилиш ясаш;***
***инвесторлар эътиборини жалб этиш чораларини кўриш;***
***солиқларнинг рағбатлантирувчи ролини ошириб бориш;***
***қатъий молия ва кредит сиёсатини ўтказиш;***
***бозор ислоҳотларининг муҳим ва ажралмас таркибий қисми сифатида иқтисодиётнинг хусусий секторини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш;***
***мамлакатимизнинг улкан моддий ва табиий ресурсларидан тежаб-тергаб, самарали ва оқилона фойдаланиш.***

*Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг*

## ҚАРОРИ

### 2001 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва иқтисодий ислоҳотларнинг боришини баҳолаш ҳамда 2002 йилда ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида

1. Вазирлар Маҳкамаси қайд этадики, 2001 йил иқтисодиётда ва умуман жамиятда ислоҳотларни чуқурлаштиришда танланган йўлни изчил ўтказишнинг мантиқий давоми, яна бир муҳим босқич бўлди.

Иқтисодиётда макроиқтисодий барқарорликни сақлаш ва иқтисодиётни ўстириш тенденцияси аниқ кўзга ташланди: ялпи ички маҳсулот 4,5 фоизга, саноат ишлаб чиқариши — 8,1 фоизга, қишлоқ хўжалиги — 4,5 фоизга кўпайди. Биринчи марта ялпи ички маҳсулотни иқтисодий ислоҳотларгача бўлган 1991 йилги даражага нисбатан — 103 фоизга ўстиришга эришилди. Аҳоли жон боши ҳисобига ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати 103,1 фоизни ташкил қилди, аҳолининг реал даромадлари 16,9 фоизга кўпайди.

Иқтисодиётнинг молиявий мутаносиблиги ва пул тизими мустаҳкамланди. Бюджет тақчиллиги ялпи ички маҳсулотга нисбатан бир фоиздан камроқни ташкил қилди. Йил бўйича нақд пул эмиссияси даражаси 6,5 фоизни ташкил этди. Тўлов интизоми даражаси ошди, етакчи идоралар ва корхоналар бўйича тўлов муддати ўтган дебиторлик қарз амалда йўқ.

Ташқи савдо айланмасини 3,1 фоизга ўстириш таъминланди, ташқи савдо операцияларида ижобий сальдога эришилди, олтин-валюта захиралари илгариги даражада сақлаб қолинди.

Институционал қайта ўзгартириш жараёнлари чуқурлашди, бозор принциплари, механизмлари ва усулларининг иқтисодиётга таъсири кучайди.

Иқтисодиётда таркибий қайта ўзгартиришларни янада чуқурлаштириш, тармоқлар ва ишлаб чиқаришларни замонавийлаштириш ҳамда техника билан қайта жиҳозлаш дастурларини рўёбга чиқариш, экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришларни ривожлантириш, ушбу мақсадларга хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш сиёсати фаол амалга оширилди.

Кичик ва ўрта бизнес жадал суръатлар билан ривожланди, унинг ялпи ички маҳсулотдаги салмоғи 24,5 фоизни ташкил қилди. Қишлоқ хўжалигида, иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари ва секторларида ислоҳотларни амалга оширишда ижобий ўзгаришлар юз берди.

Валюта сиёсатида туб ўзгаришлар содир бўлди, ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш жараёнлари чуқурлашди. Халқаро молия ташкилотлари билан икки томонлама муносабатларга динамик тус бериш учун мустаҳкам база яратилди.

Айни бир вақтда, ўтказилган махсус текширишларда табиий ва минерал — хом ашё ресурсларидан самарасиз, хўжасизларча, талон-тарож қилган ҳолда фойдаланишга доир кўпол ҳолатлар очиб ташланди.

Шўрланган ва ботқоқлашган ерларни қисқартириш, ирригация-мелиорация тармоқларини иш ҳолатида сақлаш юзасидан зарур чора-тадбирлар амалга оширилмаяпти.

Ер қонунчилиги қўпол равишда бузилмоқда, ерлардан, энг аввало, суғориладиган экин майдонларидан бошқа мақсадларда фойдаланиш ҳоллари мавжуд. Ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш ва уларга ноқонуний эгалик қилиш ҳоллари кўплаб учрайди. Наманган, Жиззах, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё ва Тошкент вилоятлари бўйича ерлардан хўжасизларча фойдаланишга доир мисоллар кўп.

Суғориш сувидан ҳам самарасиз, назоратсизлик билан фойдаланилмоқда. Бухоро, Навоий, Сурхондарё, Наманган ва бошқа вилоятларда сувдан фойдаланиш коэффициентининг пасайишига йўл қўйилган.

Ичимлик сув, газ ва бошқа энергетика ресурсларидан тежамсиз, назоратсиз ва ноқонуний фойдаланиш бўйича кўплаб фактлар мавжуд. Ичимлик сув сарфини ҳисобга олиш приборларини ўрнатиш ва уй-жой фондини газ ҳисоблагичлар билан жиҳозлаш бўйича ишлар мутлақо қониқарсиз олиб борилмоқда.

Хусусий секторни ривожлантириш кўламлари бозор иқтисодиётини шакллантириш ва ривожлантиришда, унинг барқарорлиги ва ўсувчанлигини оширишдаги талабларга жавоб бермайди.

Бевосита хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича ишлар суст олиб борилмоқда. Республиканинг 31 туманида хорижий инвестициялар иштирокида бирорта ҳам корхона ташкил этилмаган.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қоидалари қониқарсиз бажарилмоқда. Айниқса, Бухоро, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё, Тошкент, Хоразм вилоятларида ва Тошкент шаҳрида академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини қуриш ва фойдаланишга топширишда қолоқликка йўл қўйилган. Ўқув юртларини замонавий ўқув ва лаборатория анжомлари билан жиҳозлаш, янги дарсликлар билан таъминлаш жараёни суст бормоқда.

(Давоми 2-бетда).

# СИРДАЙ СИРДОШЛИГИМ, ТАҚДИРДОШЛИГИМ

Эндиги кунда биргина Шарқда эмас, балки бутун ер юзида:

*Оти овозали Тошкент,*
*Олтин дарвозали Тошкент,*
*Шер юракли султони бор*
*Тинчлик мезанали*
*Тошкент, —*

дея тан олиниб, эътибор топган муқаддас пойтахтимизда бир-икки кун туриб, қилар ишларимизни поёнига етказиб уйга қайтаётиб эдик. «Тошкент» автобекати ёнида бир қария қўл кўтарди. Кеч кириб йўлга қатновчи автобуслар сони сал сийраклашиб қолган эди. Эгни-бошига, шакли-шамойилига қараганда ҳалиги йўловчи қўшни мамлакат фуқаросига ўхшаб кетар эди. Шу важдан яна бемаҳалда довдираб юрмасин, дея машинани унинг ёнида тўхтатиб, сўрадик:

— Йўл бўлсин?

— Сирдарёга!

— Чиқинг.

Йўлнинг танобини гап, маржоннинг танобини садаф тортади деганларидай, йўловчи билан ҳангомани бошладик.

— Сирдарёнинг қаерига, биродар?

— Усмон Юсупув номли сапкўзга.

— Ширкат хўжалигига, денг.

— Шундоқ.

— Ўша ерда турасизми, ё?

— Жў-ў-ге, меҳмон бўлиб бораттиман. Туркистон шаҳриданмин. Султонимдин.



— Э-ҳ-ҳа! Машойиҳлар Султони масканиданман, денг?

— Ҳа. газитларда ўқиб, тиливизирда кўриб турибмиз. Сизларда бундай муқаддас қадамжолар қайта таъмирланиб, қайтадан тикланиб, бу ишга Президентларингизнинг ўзи раҳнамо. Бизларда ҳам улуғ зотлар ўтган, ётган жойлар бир талай. Бироқ ҳамон сизлардагидай эътибор йўқ.

— Айтгандай, кимникига бораяпсиз? — яна сўрадим ундан.

— Иргашип Лапас аканикига. Бурноғи йили ўн беш чоғли киши билан Султонимни зиёрат қилгани бориб эди. Бизникида қўноқлашди. Шаҳримизда тайинли меҳмонхона йўқ. Бори ҳам айтарлик эмас. Ўзи Султонимга зиёрат қилиш учун борган кишиларнинг хайр-эҳсонларига шаҳар қурса бўлади. Билмадим, бу тушган ақчалар қаёққа кетибатти. Султонимнинг:

**Кечираман,**
**лекин кеч ураман, —**

деган гаплари бор. Не бўлса-да, чакки ишлар қилаётган кимсаларнинг касофати бегуноҳ одамларга урмаса бўлгани.

Бошда меҳмонни шунчаки бир йўловчи бўлса керак, деб ўйлаган эдим. Гапларининг маъни-мағзига қараганда, дунёдан хабардор алломага ўхшайди. Тасалли берган бўлдим.

— Мамлакатларимиз ҳали ёш. Олди энди ўнга тўлди. Шунга қарамай оёққа туриб, отга миниб ойдин йўлга тушиб олдилар. Шукр қилишимиз керак, биродар.

— Ҳақ гап. Қизил империяга биринчи бўлиб ўз сўзини айтган сизларнинг Президентларингиз. Мамлакатларингиздаги санаб саноғига етиш мумкин бўлмаган не бир сарой, не бир мақбара, не бир қасрларнинг бош меъмори ҳам — шу инсон. Ўзбек халқи шунай Президенти борлиги учун ҳар қанча фахрланса арзийди.

(Давоми 3-бетда).




*Қува тумани «Матлуботсавдо» ҳиссадорлик бирлашмаси Қозоғистон пойтахти — Остона шаҳрида «Қува» савдо дўкони очди.*

## Остонада «Қува» дўкони

**Мутахассисларнинг фикрича, юртимизда етиштирилган ширин-шакар сабзавот ва полиз экинлари, ҳўл ва қуруқ мевага Қозоғистонда талаб юқори. Янги дўконда асосан тумандаги ширкат ва фермер хўжаликларида етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотилади.**

# КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИ

***Бекободда Қора ва рангли металл парчалари ва чиқиндиларини тайёрлаш, қайта ишлашга топширишни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш республика комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирлик, идора ва уюшмалар, шунингдек, ҳудудий бошқарув органлари, иккиламчи металл хомашёсини йиғиш ва топшириш билан шуғулланувчи ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.***

***Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси, мазкур комиссия раиси И.Жўрабеков бошқарди.***

Таъкидланганидек, мамлакатимизда қора металл парчалари ва чиқиндиларини тайёрлаш ва қайта ишлашга топшириш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 10 фоиз ортган.

Мамлакатимизда кенг кўламли қурилиш ишлари амалга оширилаётир. Ўнлаб янги академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, маданий-маиший муассасалар ва бошқа иншоотлар қад кўтармоқда. Шу боис қурувчиларни металл бинокорлик материаллари билан ўз вақтида етарли миқдорда таъминлаш муҳим аҳамият касб этаётир.

Йиғилишда корхона ва хўжаликларда кўплаб ишдан чиққан турли ускуна ва қишлоқ хўжалик техникаси тўпланиб қолгани, уларни қайта ишлашга топшириш учун жойларда хўжалик ҳисобида ишлайдиган комплекс бригадалар тузиш мақсадга мувофиқлиги таъкидланди. Шу боис жорий йилнинг 1 январидан харид нархи 20 фоиз оширилгани металл парчалари ва чиқиндиларини тайёрлаш ва қайта ишлашга топшириш ҳажмининг янада ўсишига хизмат қилади.

Шунингдек, йиғилишда соҳада мавжуд хато ва камчиликларни бартараф этиш зарурлиги уқтирилди.

**Элбек ХОЛИҚОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# ТАДБИРКОРЛИККА КЕНГ ЙЎЛ

Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришда қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳам алоҳида ўрин тутади. Буни Бухоро вилояти Жондор туманидаги Далмун қишлоқ фуқаролар йиғини фаолияти мисолида кўриш мумкин. Бу ерда ҳозир 84 та тадбиркорлик субъекти фаолият кўрсатмоқда. Уларда 100 дан ортиқ киши меҳнат қилади.

Аҳолини иш билан таъминлаш йўлидаги изланишлар ўз самарасини бермоқда. Атиги икки йил муқаддам қишлоқда 186 нафар ишсиз рўйхатга олинган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич 80 тага тушди. Яна бир гап. Қишлоқ фуқаролар йиғини тадбиркорликни ривожлантириш бўйича ўзининг кичик дастурини ишлаб чиққан. Унга асосан, яқин кунларда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналари сони яна 10 тага ошиши лозим. Демак, мазкур қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида меҳнатга лаёқатли кишиларнинг деярли барчаси муқим иш ўрнига эга бўлади.

**Илҳом САФАР,**
**ЎзА мухбири.**

# Якунлар фидойи меҳнатга ундайди

## *Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг*

## ҚАРОРИ

## 2001 йилда республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва иқтисодий ислоҳотларнинг боришини баҳолаш ҳамда 2002 йилда ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда).

2. Қуйидагилар 2002 йилда саъй-ҳаракатлар ва ресурслар уларнинг ҳал қилиниши учун жалб этиладиган иқтисодий ислоҳотларни янада эркинлаштириш ва чуқурлаштиришнинг энг муҳим, ҳал қилувчи йўналишлари этиб белгилансин:

иқтисодиётнинг макроиқтисодий барқарорлигини таъминлаш, инфляция даражасини жиддий пасайтириш, қаттиқ молия ва кредит сиёсатини ўтказиш;

иқтисодиётни таркибий қайта ўзгартиришни янада чуқурлаштириш ва хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш;

ташқи иқтисодий ва валюта сиёсатини янада эркинлаштириш, курсни бирхиллаштириш йўлини тўлов балансини мустаҳкамлаш, олтин-валюта захираларини сақлаш билан узвий алоқада изчил ўтказиш;

муҳим материал ва табиий ресурслар — экин майдонлари, суғориш суви ва ичимлик сув, ёқилғи-энергетика, минерал-хом ашё ва бошқа ресурслардан тежамли, самарали, эҳтиётлаб фойдаланишни таъминлаш;

бозор ислоҳотларининг муҳим ва ажралмас таркибий қисми сифатида иқтисодиётнинг хусусий секторини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш;

ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланишнинг янги тури, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишнинг янги шакли сифатида фермерлик фаолиятини ривожлантириш ва рағбатлантириш;

кадрлар тайёрлаш соҳасини ривожлантириш.

3. Истеъмолчиларни табиий газ билан узлуксиз таъминлаш масалаларида йўл қўйилган нуқсонлар, табиий газни бериш зарур даражада ҳисобга олинмаслиги ва республика иқтисодиёти тармоқларида ундан самарали фойдаланиш юзасидан зарур назорат таъминланмаганлиги учун "Ўзтрансгаз" акциядорлик компаниясининг бош директори Н.И.Жулинга, "Ўзкоммунхизмат" агентлиги бош директорининг ўринбосари — "Бошкоммунгаз" корхонаси директори С.С.Башировга, "Ўздавнефтгазинспекция" бошлиғи Н.С.Рамазоновга ҳайфсан эълон қилинсин.

Агар 2002 йилнинг биринчи ярим йиллиги якунлари бўйича кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан амалий чора-тадбирлар кўрилмаса, улар эгаллаб турган лавозимларидан озод этилиши ва қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка тортилиши тўғрисида огоҳлантирилсинлар.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига газ, ичимлик сув, электр энергияси ресурслари истеъмолчиларини ҳисобга олишни ташкил этишга тизимли ёндашувнинг йўқлиги, сув қувури, газ ва электр тармоқларига рухсатсиз уланиб олиш ҳоллари мавжудлиги, сув ва газни ҳисобга олиш приборлари ўрнатиш дастури бажарилмаганлиги кўрсатиб ўтилсин.

4. Қуйидагилар:

Навоий (Дилов), Наманган (Жабборов), Сирдарё (Исроилов), Сурхондарё (Олимжонов) вилоятлари ҳокимлари йўл қўйилган камчиликлар ва суғориладиган ерлардан хўжасизларча фойдаланганлик, суғориш сувидан фойдаланиш коэффициенти пасайиб кетганлиги ва сувдан фойдаланиш интизоми бузилганлиги учун;

Бухоро вилоятининг Когон (Хаитов), Вобкент (Эсонов), Қоровулбозор (Йўлдошев) туманлари, Наманган вилоятининг Поп (Исматуллаев), Мингбулоқ (Хайдаров) ва Учқўрғон (Охунов) туманлари, Самарқанд вилоятининг Иштихон (ҳоким вазифасини бажарувчи Мансуров) ва Ургут (Нуриллаев) туманлари ҳокимлари ер ресурсларидан бошқа мақсадларда ва хўжасизлик билан фойдаланишнинг кўплаб ҳоллари мавжудлиги учун қаттиқ огоҳлантирилсинлар.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси (Тожиев)га, вилоятлар ҳокимларига ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланилмаслигининг ҳар бир ҳолатини жойнинг ўзида кўриб чиқиш ва қонунни бузувчиларга нисбатан жавобгарликнинг энг қаттиқ чораларини қўллаш топширилсин.

5. Кичик ва ўрта бизнесни, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш юзасидан Шофиркон (Раҳмонов), Боғдод (Солижонов), Иштихон (ҳоким вазифасини бажарувчи Мансуров), Беруний (Жуманиёзов) туманлари, Термиз (Чориев), Жиззах (Худоёров), Қўқон (Хўжаев) шаҳарлари, шунингдек Тошкент шаҳар Акмал Икромов (Маҳмудов) тумани ҳокимликларининг қониқарсиз ишлаганлиги қайд этилсин.

Ярим йиллик якунлари бўйича хусусий тадбиркорлик ташаббусини ривожлантиришга кўмаклашиш, хусусий секторни ривожлантириш учун қулай муҳит яратиш бўйича кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида уларнинг ҳисоботи кўриб чиқилиши тўғрисида қаттиқ огоҳлантирилсинлар.

6. Бир ҳафта муддатда Бош вазирнинг биринчи ўринбосари К.Н.Тўлаганов бошчилигида табиий, минерал-хом ашё ва ёқилғи-энергетика ресурсларидан тежамкорлик билан ва самарали фойдаланиш масалалари бўйича Вазирлар Маҳкамасининг махсус комиссияси тузилсин, унинг таркибига барча манфаатдор вазирликлар ва идоралар, ҳокимликлар, назорат қилувчи хизматлар ва Прокуратура вакиллари киритилсин.

Комиссия уч ой муддатда ресурсларнинг тегишли турлари бўйича ишларнинг аҳволини ўрганиб чиқсин, 2010 йилгача бўлган даврда ресурсларни тежаш дастурини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин, унда:

ресурсларни тежовчи, айниқса мелиорация ва ирригацияда ресурсларни тежовчи технологияларни кенг жорий этиш, ёқилғининг муқобил турларидан фойдаланиш;

ер, сув, ёқилғи-энергетика ва бошқа ресурслардан оқилона фойдаланишни рағбатлантирувчи иқтисодий механизмни жорий этиш, улардан тежамли, эҳтиётлаб ва самарали фойдаланаётган ходимларни рағбатлантириш, шунингдек сувдан фойдаланиш соҳасида бозор муносабатларини ривожлантириш;

табиий, минерал-хом ашё ва ёқилғи-энергетика ресурсларидан хўжасизларча фойдаланганлик учун жавобгарликни кучайтириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар назарда тутилсин.

Кўрсатиб ўтилган масалаларни ҳал этиш учун ҳуқуқий базани яратишни назарда тутувчи тегишли қонун ҳужжатлари лойиҳалари тайёрлансин ва кўриб чиқиш учун Олий Мажлисга киритилсин.

7. "Ўзбекнефтгаз" компанияси (Саидаҳмедов) "Ўзкоммунхизмат" агентлиги билан биргаликда 2002 йилда ҳамма жойда газ қувурларининг ажралиш чегараларида газни ҳисобга олишнинг замонавий приборлари ўрнатилишини таъминласин, истеъмолчиларга сотилаётган табиий газ зарур даражада ҳисобга олинишига доир муфассал чора-тадбирлар кўрсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси, Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда:

мамлакатда хусусий секторни ривожлантиришнинг ҳуқуқий базасини кенгайтириш бўйича қонунчиликни мустаҳкамлаш;

ушбу соҳада қўшимча ҳуқуқий ва иқтисодий имтиёзлар, преференциялар яратиш;

хизмат кўрсатиш соҳасида хусусий секторни ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш;

замонавий технологиялар асосида халқ ҳунармандчилиги ва косибчилик анъаналарини ривожлантириш, уларнинг маҳсулотларини ташқи бозорларга чиқариш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги кичик ва ўрта бизнес субъектларини, хусусий тадбиркорликни давлат тузилмалари ва назорат қилувчи органлар томонидан ноқонуний аралашувлардан ҳимоя қилиш ишларини кучайтирсин, қонун ҳужжатларида назарда тутилган зарур чора-тадбирларни кўрсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Марказий банк, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар, тижорат банклари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда икки ой муддатда амалдаги қонун ҳужжатларини, фермер хўжаликларининг фаолият кўрсатиш шароитларини муфассал хатловдан ўтказсинлар ҳамда фермерликни ривожлантириш учун қулай ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитларни шакллантириш бўйича таклифлар киритсинлар, бунда қуйидагиларга алоҳида эътиборни қаратсинлар:

фермерлар манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш, туманлар ҳокимликлари, ширкатлар раҳбарлари, турли назорат қилувчи органлар ва тузилмалар томонидан уларнинг фаолиятига ноқонуний аралашишга йўл қўймаслик;

фермерларга механизациялашган хизматлар кўрсатишда, уларни минерал ўғитлар ва сифатли экиш материаллари билан таъминлашда, кичик технологиялар билан жиҳозлашда ёрдам кўрсатишни кенгайтириш, ахборот хизмати кўрсатишни яхшилаш, лизинг шартларида техника сотиш масалаларини ҳал этиш;

шартнома тузишган фермерлар ва ташкилотлар томонидан, энг аввало, етиштирилган маҳсулотларни ўз вақтида сотиш ва улар учун ҳақ тўлаш масалалари бўйича шартномавий мажбуриятларни бажаришда интизом ва жавобгарликни ошириш;

фермерларнинг кредит ресурсларидан фойдалана олиш имкониятларини кенгайтириш, Тошкент вилоятининг фермерлар ва деҳқон хўжаликларига микрокредитлар бериш тажрибасини ҳамма жойда оммалаштириш.

Тугатилган қишлоқ хўжалик корхоналари негизида ташкил этилган фермер хўжаликлари фаолияти 2002 йил 1 декабргача бўлган муддатда муфассал таҳлил қилиб чиқилсин ҳамда Вазирлар Маҳкамасига паст рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган ширкатларни мақсадга мувофиқ бўлган жойларда фермер хўжаликларига айлантириш бўйича 2003 йил учун таклифлар киритилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги бир ой муддатда:

хўжалик юритувчи субъект мол-мулкини гаровга қўйган ҳолда кредитлар бериш, кредит ўз вақтида қайтарилмаган тақдирда ушбу мол-мулкни кредитор мулкига ўтказиш амалиётини янада кенгроқ жорий этиш;

кредитларнинг ўз вақтида қайтарилишини кафолатловчи қаттиқ чора-тадбирларни белгилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқсинлар ва Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси кредитларнинг ўз вақтида қайтарилмаганлиги учун корхоналар ва ташкилотлар раҳбарларини жиноий жавобгарликкача бўлган жавобгарликка тортишни амалиётга киритсин.

11. Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва корхоналар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раҳбарлари, Жиззах, Навоий, Сурхондарё вилоятлари ва бошқа вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимларининг эътибори ишлаб чиқаришларни маҳаллийлаштириш ва маҳаллий хом ашё ва материаллардан фойдаланиш негизида қўшма корхоналар ташкил этишга доир қабул қилинган дастурларни бажариш юзасидан улар томонидан олиб борилаётган ишларнинг қониқарсизлигига қаратилсин.

Минтақаларда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ташкил этишни мувофиқлаштириш бўйича идоралараро ишчи гуруҳ (Азимов) қўшма корхоналарнинг вакиллари иштирокида бир ой муддатда маҳаллий хом ашё ва материаллардан фойдаланиш негизида қўшма корхоналар ташкил этиш масалалари борасидаги ишларнинг аҳволини чуқур ўрганиб чиқсин ҳамда Вазирлар Маҳкамасига хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш, шунингдек қўшма корхоналар фаолиятининг самарадорлигини ошириш бўйича аниқ таклифлар киритсин.

Маҳаллий хом ашё ва материаллардан фойдаланиш негизида ишлаб чиқаришларни маҳаллийлаштириш ва қўшма корхоналар ташкил этиш дастурларини бажаришнинг бориши Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йилнинг биринчи ярим йиллиги якунларига бағишланган мажлисида кўриб чиқилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси манфаатдор вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари иштирокида икки ҳафта муддатда Вазирлар Маҳкамасига давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастурларининг бажарилишини таъминлаш, жалб этилган хорижий молиявий консультантлар билан ишлашни фаоллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида таклифлар киритсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси, Маданият ишлари вазирлиги Давлат мулки қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда:

жойларда китоб савдосини ва кутубхоналар фаолиятини ташкил этиш, уларнинг моддий-техника базаси, маърифий-тарғибот ишлари амалга оширилиши аҳволини текширсинлар;

текшириш натижалари бўйича бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига ҳукуматнинг тегишли қарори лойиҳасини киритсинлар.

14. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги, "Ўзтелерадио" компанияси, оммавий ахборот воситалари аҳолига солиқ солиш турлари ва механизмларини, солиқ тўловчилар маблағларидан ижтимоий муаммоларни ҳал этишда ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришда фойдаланиш йўналишларини содда қилиб тушунтириб берувчи телекўрсатувлар ва материаллар рукнларини мунтазам равишда ташкил этсинлар.

15. Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги икки ой муддатда иқтисодиётни ривожлантириш ва таркибий қайта ўзгартириш истиқболларини ҳисобга олган ҳолда, интеллектуал салоҳиятни шакллантириш ва ундан юқори даражада самарали фойдаланишни, ўқув юртларини тугатаётган ёшларнинг иш билан таъминланишини назарда тутувчи 2010 йилгача бўлган даврда малакали кадрлар тайёрлаш дастурини тайёрласинлар ва тасдиқлаш учун ҳукуматга киритсинлар.

16. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, вазирликлар ва идоралар, хўжалик бирлашмалари, ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлар ва жамоат ташкилотлари 2002-2003 йилларда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлаш дастури, "Қарияларни қадрлаш йили" давлат дастури қоидаларининг сўзсиз бажарилишини таъминласинлар, Вазирлар Маҳкамасининг "Аёллар ва ўсиб келаётган авлод соғлиғини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2002 йил 25 январдаги 32-сон қарорининг бажарилишига алоҳида эътибор қаратсинлар.

Кўрсатиб ўтилган дастурлар ва ҳукумат қарорларининг амалга оширилиши учун шахсий жавобгарлик Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, жамоат ташкилотларининг тегишли раҳбарлари зиммасига юклансин.

Кўрсатиб ўтилган дастурларнинг бажарилиши 2002 йил I ярим йиллиги якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамаси мажлисида кўриб чиқилсин.

17. Мазкур мажлис қарорининг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў.Т.Султонов зиммасига юклансин.

Ушбу мажлис қарорининг бажарилиши ҳар чоракда ва умуман 2002 йил якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида кўриб чиқилсин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2002 йил 14 февраль.

---

*Юртбошимизнинг Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида сўзлаган нутқи халқимиз қалбида акс-садо бермоқда*

## Ҳар кимнинг ўзига боғлиқ

Мен оддий экскаваторчиман. Эсимни таниганимдан буён шу касб билан шуғулланаман. Йўлбошчимизнинг ҳар бир чиқишини интизорлик билан кутаман. Негаки, Юртбошимиз айнан бизни ўйлантирадиган, тилимизни учида турган дардларни топиб гапирадилар. Куни кеча бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишида ҳам шундай бўлди.

Очиқ айтишим керак, унда кўтарилган баъзи масалаларни мушоҳада қилишга тишим ўтмаса-да, аммо ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, захни қочириш, ирригация иншоотларидан оқилона фойдаланиш ҳақида жон куйдириб гапирилган фикрлар айни ҳақиқатдир. Буни ўз ҳаётимда, тажрибамда синаб кўрганман. Бир мисол. Туманимизда кейинги йилларда сурункасига пахта тайёрлаш режаси бажарилмаяпти. Асосий сабаб шуки, ғўза айни ҳосилга кирган пайтда ер ости сувлари кўтарилиб кетмоқда. Оқибатда фақат ғўза эмас, балки бошқа экинлар ҳам ҳосил нишоналарини тўкиб юбораётир. Бунга ким айбдор?

Ён қўшнимиз — қирғизистонликлар кейинги пайтда «Бурганди» массивида оммавий равишда янги ерлар ўзлаштиришга, сувталаб экинларни экишга зўр бермоқдалар. Натижада табиий мувозанат бузилмоқда. Бу муҳим масала ҳукуматлараро келишувларда ҳал қилинар, деган умиддаман. Лекин, Юртбошимиз айтганларидай, воқеага оддий, холис кузатувчи бўлиб қараб тураверсак, тўғри келмас.

Бундан икки йил аввал 30-411 русумли экскаватор ёрдамида «Ўзбекистон 5 йиллиги» ширкат хўжалигига қарашли ўта захлашган 53 гектар майдоннинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбирида қатнашгандим. Кейин билсам, якунда шу ерларда ҳосилдорлик 14 центнергача ортибди. Билсангиз, буни эшитиб, ниҳоятда қувониб кетдим. Чунки «Қачон зах қочади?» деб қўлни қовуштириб ўтираверсак, нима бўларди?

Ёки бошқа бир мисол «Истиқлол» жамоа хўжалигида мелиоратив ҳолати яхшиланган 55 гектар ердан қўшимча равишда 25 центнер кўп ҳосил йиғиштириб олинибди. Ва, табиийки, жамоа шартномавий режани туманда биринчилардан бўлиб адо этибди. Бундан қувонмай бўладими, ахир?! Шу боис кейинги йилларда туманимизда бу масалага алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўтган давр ичида 436 гектар ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди, 863 минг кубометр ҳажмда тупроқ ишлари бажарилди, 16 та зовур таъмирланиб, 11 таси янгитдан ишга туширилди. Бундан ташқари, 31 километр узунликдаги хўжаликлараро, 236 километрлик ички зовурлар тозаланди. Ҳозирги кунда ҳам шу мақсадда 23 та экскаватор тўла қувват ва юқори унум билан ишлатиляпти.

Айтмоқчиманки, меҳнатинг самарасини ўз кўзинг билан кўрсанг, ундан келадиган манфаатдорликни тўла ҳис этсанг, янада илҳомланиб, яхшироқ ишлашга ҳаракат қилаверар экансан. Ўзимдан қиёс: ўтган ой топшириғини 1,5 баробар ошириб уддаладим. Демак, билишимча, муваффақиятларга эришиш ўзимизга боғлиқ. Агар янада унумлироқ, шиддатлироқ ишласак, бараканинг ўзи келаверади. Зеро, Юртбошимиз айтганларидек, энди четдан холис кузатувчилар замони ўтди.

**Абдужаббор ТОЖИБОЕВ,**
**Риштон тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси мелиоратив бўлимининг экскаваторчиси.**

---

## ЕРНИ АЛДАГАН ЎЗИ АЛДАНАДИ

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа соҳаларда кенг қамровли ислоҳотлар ўтказишга киришилди. Хусусан, ер ресурсларидан самарали фойдаланишга ҳам алоҳида эътибор берилди. Боиси, ер халқ хўжалигининг барча тармоқлари билан бевосита боғлиқ ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда асосий манба ҳисобланади. Шу боис у халқимиз фаровонлигини оширишда алоҳида аҳамият касб этади.

Кейинги пайтда «Ер кодекси», «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги, «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги, «Давлат ер кадастри тўғрисида»ги қонунларнинг қабул қилинганлиги республикамизда ер заҳираларидан оқилона фойдаланишнинг ҳуқуқий асосини яратди.

Айни пайтда давлатимизнинг ер фонди 44410,3 минг гектарни ташкил қилади. Унинг қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган қисми 26 миллион гектарга яқин. Суғориладиган майдонлар сатҳи эса 4,28 миллион гектар бўлиб, умумий ер фондининг 9 фоизига тенгдир. Агар юртимизда ҳар йили аҳолининг ўсиб бораётганлигини ҳам ҳисобга олсак, унинг ҳар қаричидан оқилона фойдаланиш зарурлигини ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда.

Энди табиий савол туғилади: хўш, давлатимизнинг бебаҳо бойлиги ҳисобланган ердан қандай фойдаланилмоқда, унинг ҳосилдорлиги қандай, қишлоқ хўжалиги етакчи тармоқ ҳисобланган мамлакатимизда ерга қандай муносабатда бўлинмоқда?

Тўғри, кейинги йилларда мазкур масалага алоҳида эътибор берилди. Ернинг унумдорлигини ошириш, унинг мелиоратив аҳволини яхшилаш, асраб-авайлаш асосий вазифалардан бирига айланди. Ер фондидан фойдаланишни яхшилаш, тупроқ унумдорлигини сақлаш, уни ошириш, ернинг мелиоратив ҳолатини ошириш бўйича республикамизда Ер ресурслари давлат қўмитаси томонидан дастур ишлаб чиқилди. Шу асосда минтақалардаги об-ҳаво, тупроқ ҳолатига қараб экинларни жойлаштириш борасида иш олиб борилмоқда. Бу борада Андижон, Бухоро, Фарғона ва Хоразм вилоятларида ижобий ишлар амалга оширилаётганлигини кузатиш мумкин.

Лекин баъзи ҳудудларда мазкур муҳим ишга етарли эътибор берилмаяпти. Қонун бузилиш ҳоллари содир этилмоқда. Жиззах, Сирдарё, Самарқанд, Наманган вилоятларида ана шундай нохуш ҳолни кузатиш мумкин. Натижада мазкур жойларда суғориладиган ерларда тупроқ унумдорлигининг камайиши натижасида режалаштирилган даражада ҳосил олинмаяпти. Ер ресурслари давлат қўмитаси берган маълумотларга кўра, ўтган йили юқорида номи қайд этилган вилоятларда ердан мақсадсиз фойдаланиш, яъни режалаштирилмаган экинларни экиш ёки ердан хўжасизларча фойдаланиш ҳоллари аниқланди. Мисолларга мурожаат қилайлик. Ўтган йили Жиззахда 3102 гектар, Сирдарёда 719 гектар, Самарқандда 346 гектар майдондан самарасиз фойдаланилганлиги аниқланди.

Афсуски, баъзи мансабдор шахслар томонидан экин экилган ерларни ҳисоботдан яшириш ва шу йўл билан сохта маълумотлар бериш ҳолларига дуч келинмоқда. Жиззах вилоятида 644 гектар, Сирдарёда 601 гектар, Самарқандда 167 гектар экин майдонлари ҳисоботда кўрсатилмаганлигини қандай изоҳлаш мумкин?

Сув танқислигига қарамасдан баъзи жойларда режада кўзда тутилмаган, оби ҳаётни кўп талаб қилувчи экинлар экилишига йўл қўйилаяпти. Самарқанд вилоятида 162 гектар (Пахтачи туманида 52 гектар, Каттақўрғон туманида 41 гектар), Наманган вилоятида 2323 гектар (Мингбулоқ туманида 1391 гектар, Поп туманида 665 гектар) ерга режадан ортиқча шоли экилган.

Ерни талон-торож қилиш, айрим фермерлар эса ўзларига бириктирилган майдонларга бозорбоп экинлар экиш ҳоллари мавжуд. Шароф Рашидов туманидаги «Нуроний-Илҳом», «Нилуфар», «Ўктам-2» фермер хўжаликлари ана шундай йўл тутганлар. 1999-2001 йиллар давомида ердан самарасиз ва мақсадсиз фойдаланганлиги учун «Ўзнефтгазсаноат» компанияси, «Ўзпахтасаноат» уюшмаси, «Ўзагромашсервис» қўмитаси, «Ўзбексавдо» уюшмаси, «Ўзавтойўл» концерни ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ёрдамчи хўжаликларида 64278 гектар ер майдони илгариги эгаларига олиб берилди.

Албатта, бундай қонун бузилиш ҳолларининг олди олиниб, уларга чек қўйилмоқда. Лекин нима учун бундай нохуш аҳволга йўл қўйилмоқда, деган ҳақли савол туғилади. Назаримизда, бунинг асосий сабаби маҳаллий ҳокимликлар томонидан ер қонунчилигини ўрганиш борасида етарли даражада тарғибот ишлари олиб борилмаяпти. Шу боис ер ресурсларидан самарали ва мақсадли фойдаланиш бўйича давлат назоратини ўрнатиш ва жойларда уни атрофлича тушунтириш борасида ташвиқот ишларини олиб бориш зарур. Шунингдек, қонунни бузган шахсларга нисбатан иқтисодий ва маъмурий жазо чораларини кучайтириш зарур.

Ер миллатимизнинг бебаҳо бойлиги ҳисобланади. Уни асраб-авайлаш, қонун даражасида ерга муносабатда бўлиш нафақат ундан кўплаб маҳсулот олиш имконини беради, балки бойлигимизга бойлик қўшади.

**Ҳосил КАРИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

## Сув етаклаган одамлар

Катта Фарғона каналидан адоғи Ёзёвон чўллари, Қўқон атрофларига етиб борган йирик сув иншоотининг ҳамиша лиммо-лим тўлиб туришини таъминламоқдалар. Узунлиги 51,7 километрлик бу канал қирғоқларини, дамбаларни мустаҳкамлаш билан бирга, унинг ҳар икки қирғоғига мевали ва манзарали дарахтзор кўчатлари ҳам ўтказмоқдалар.

Қиш охирлаши билан одатда дарё қирғоқларида улкан харсангтош юклаган қудратли машиналар ўрмалаб қолади. Экскаваторларнинг темир «хартуми» ҳаракатга келади. Елкасига кетмон, белкурак ташлаган одамлар эса дарё томон йўл оладилар. Демак, баҳор эшик қоқаяпти. Унинг қандай келиши, нималар «туҳфа» этиши эса номаълум. Лекин бир нарса аён: анҳор ва дарёлар баҳор ёмғирлари, жалаю селларидан тўлиб-тошади. Асов дарёларнинг шиддаткор, пишқириб оқувчи сувлари дамбаю тўғонларни ларзага келтиради, қирғоқларни ювиб, ўзига янги ўзан очади. Шундай кезларда шошиб қолмаслик учун, ҳозирдан сергак тортиш, дамбаларнинг ҳар қандай тошқин, сувларнинг телбаланиб оқишига бардош бера олишини яна бир бор кўздан кечириш, ҳимоя чораларини кўриш талаб этилади.

Ери зар, суви гавҳар бўлган Андижон вилояти хўжаликлари умумий эҳтиёжининг 65 фоизини, бошқача айтганда, икки миллиард 715 миллион кубометр оби ҳаётни Қорадарёдан олади. Бир миллиард 85 миллион кубометр сув эса Норин дарёси ҳиссасига тўғри келади. Қолган экин майдонлари ўз навбатида Аравонсой, Оқбўйрасой, Тентаксой, Мойлисой ирмоқлари ҳисобига суғорилади.

Жойларда бешта туманлараро каналлар бошқармаси фаолият кўрсатмоқда. Улар табиатнинг ана шу бебаҳо неъматини меъёрида тақсимлаб, истеъмолчиларга етказиб бераётир.



Балиқчи туманидаги Чинобод қишлоғида жойлашган Катта Андижон каналининг биринчи бўлими — шулардан бири.

— Гидроиншооатимиз водийнинг «кумуш белбоғлари»дан ҳисобланади, — дея ҳикоя қилади унинг раҳбари Ҳалимжон Ўрунов. — Сув — табиатнинг борлиққа инъом этган нодир туҳфаси. Шунинг учун унинг ҳар қатрасидан оқилона, тежаб-тергаб фойдаланишга эътибор қаратаяпмиз. Бунинг учун гидроиншоотларни вақтида таъмирдан чиқараяпмиз, ариқ-зовурларни эса режа асосида тозалаб бораяпмиз. Мисол учун, каналнинг 21,7 километрлик қисмига бетон ётқизилди, бешта гидроучастка ташкил қилинди. Бундан ташқари, Балиқчи ва Улуғнор туманларидан ўтган қисмида унинг қирғоқлари мустаҳкамланди. Бу юмушда ўрмончилар ҳам фаол иштирок этишаяпти. Улар саноатбоп дарахт кўчатлари экмоқдалар. Дарахтлар оралиғидаги унумдор ерларда эса ғалла, сабзавот маҳсулотлари етиштириб, уларни тизимда ишловчиларга арзон нархларда сотмоқдалар.

— Бу йилги баҳорда канал қирғоқларидаги ҳимоя ҳудудларига ёнғоқ, олма, беҳи, бодом сингари мевали дарахт ниҳоллари ўтқазмоқчимиз, — сўзини давом эттирди Ҳалимжон ака. — Кунлар илиши биланоқ, бу ишга киришамиз.

Улуғнор туманининг Марказий Фарғона чўлига жойлашган хўжаликлари, қўшни Фарғона вилоятининг Ёзёвон, Данғара, Фурқат, Бешариқ туманларида бўлсангиз, кўзингиз яхоб суви берилаётган майдонларга тушади. Бу сув етаклаётган одамларнинг қишда ҳам тиниб-тинчимай ишлаётганидан, янги ҳосилга пухта замин ҳозирлаётганини кўрсатиб турибди.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**





# Сирдай сирдошлигим, тақдирдошлигим

(Давоми. Боши 1-бетда).

Меҳмон билан гурунгимиз энди чўғ олган чоғида Сири муборакнинг кўпригидан ўтиб, неча ўн йиллардан бери «Чеҳра» номи билан машҳур бўла келган бекатга келганимизни билмай ҳам қолибмиз. Сафардошимнинг йўл юриб. толиққанлиги, кўнгилларининг емак-ичмак тилаётганлиги юз-кўзларида белги бера бошлаган эди. «От»дан тушиб, тамадди қилиш учун «Чеҳра» ошхонасининг холироқ бир ерига бориб қўндик. Қовзаниб олгач, ранг-рўйимизга сал қон югургандай бўлди.

— Гап билан бўлиб исмишарифингизни ҳам сўрамабман.

— Қулмуҳаммад.

— Сўраганнинг айби йўқ, дейдилар. Ёшингиз?

— Етмишнинг нари-бериси.

— Қарийб қурдош эканмиз.

— Пирдош ҳаммиз.

Бу меҳмоннинг — Султоним сизу бизга бирдай азиз зот, сулукимиз бир, деганлари эди.

— Сирдарёга биринчи келишингизми?

—Й-ў-ға. Бир қизим бундан етти йил аввал Гулистондаги медтехникумга кириб эди. Ўша йиллари уч-тўрт марта келиб эдим. Қизим ҳозир ўзимизни шаҳарда ишлаяпти.

— Демак, Гулистонни яхши биласиз?

— Ҳа, энди...

— Ҳозир Гулистон тамомила ўзгариб кетган.

— Шундай деб эшитаман.

Гапимиз айланиб яна қурилишларга — буюк бурилишларга келиб тўхтади.

Кейинги ўн йилликда Сирдарё вилоятида, унинг маркази Гулистонда қандай ишлар қилинди? Шу ҳақда тушунарли қилиб, аниқ-тиниқ қилиб меҳмонга гапириб берсам. Керак бўлса, «гид»лик қилиб Гулистонни бир айлантириб-таништириб чиқсам. Ҳозирча гапни «Чеҳра»дан бошласам.

Энди «Чеҳра»га, ундан сўнг Гулистон шаҳрига, вилоятнинг бошқа воҳаларига ўхшамайдиган ўзига хос жиҳатларига ўтишдан олдин, сафардошимни зериктириб қўймаслик учун у кишини гапга солсамми, деб эдим.

— Қулмуҳаммад ака, қалай. «Чеҳра» маъқул бўлдими?

— Гап йўқ.

**— Сўнгра, мен сиздан бир нарсани сўрамоқчи бўламан. Сизлар кўпроқ қайси мамлакатнинг телевидениесини кўрасизлар?**

**— Фақат Ўзбекистонни. Ўқиганимиз ҳам Ўзбекистоннинг газета-журналлари. Эшитганимиз Тошкент радиоси.**

Шу орада у киши «Чеҳра»нинг қачон қурилиб, қачон ишга тушганини сўраб қолдилар.

— «Чеҳра» етмишинчи йиллардан бери ишлаб келади. «Чеҳра» вилоятнинг гўё қабулхонаси. Бизга Тошкент томондан келган азиз меҳмонлар шу ерда кутиб, шу ердан кузатилади, — дедим мен.

Гулистонга етишимиз билан у киши кира машинасида Боёвутга кетмоқчи бўлдилар. Қуйарда-қуймай шаҳардан ўн беш чақирим йироқда жойлашган уйимизга олиб бордим.

Тонгги нонушта устида: «Қулмуҳаммад ака, озиб-ёзиб бир келиб қолибсиз. Энди мен сизга Гулистонни бир кўрсатай. Кечқурун ҳамшаҳарларингиз — туркистонликлардан уч-тўртини нонга айтамиз. Яхшилаб танишиб ҳам оламиз. Айтишингизча, Гулистонга етти йилдан бери келмаган кўринасиз. Эртага Лапас аканикига бирга борамиз. Биз у кишини «Бой ота» деймиз. Менинг ҳам ишим бор. Астойдил», деган бўлдим. У киши кўнган бўлдилар. Қолган гапни йўлда гаплашамиз, деб меҳмон билан Гулистонга отландик.

Шаҳарга киришимиз биланоқ мезбон сифатида гидлик вазифамни ўташга киришдим:

— Оқсоқол, мана бу сарой — Алпомиш спорт мажмуаси. Теннис корти, волейбол, баскетбол, стол тенниси, кураш майдонлари. Бир неча меҳмонхона. Айтиб қўяй, бугун сизга кўрсатмоқчи бўлган биноларнинг ҳаммаси жаҳон андозаларига мос. Бу мажмуанинг ичи-ташини бир бошдан кўриб чиқиш учун кам деганда ярим кун керак бўлади.

— Бу «Ғаллабанк», буниси «Пахтабанк». Бу эса «Бокс саройи». Мана бу «Лечинвафармсаноат» корхонаси. У дори-дармонлар ишлаб чиқаради. Ўзбекистон — Чехия қўшма корхонаси.Бу ҳақда газеталарда батафсил ёзилди. Телевизорда бир неча марта кўрсатилди. Эътибор берган бўлсангиз.

— Ҳа, бир кўриб эдим. Бироқ кўпам эътибор бермапман.

— Бу янги Ўзбекистон кўчаси. Бу кўчанинг ўрни пастқам, лой сувоқли уйлар эди. Ҳ-ў-ў ўртароғида қамиш, қўға, ғиша ўсиб ётар эди. Қишда деярли юриб бўлмасди. Бу икки қаватли бино «Асакабанк», Автосалони билан — «Нексия», «Дамас», «Тико», «Матиз». Горисполкомга ариза ёз. Йиллаб кут. Ё одамини топиб «шапкаси»ни кийдириб қўй, деб юрмайсиз. Ҳ-ў-ў илгари кезларга ўхшаб. Белингиз бақувват бўлса, ҳозироқ «Нексия»нинг суперидан бирини миндириб юбориш қўлимиздан келади.

— Ота-боболаримиз меҳмонга от миндириб, тўн кийдира келганлар. Сизлар «Нексия» миндирасизлару мен йўқ дейми эдим.

Кулишдик.

— Бу энди. Қулмуҳаммад ака, Хотира майдони. Ёз, куз, баҳорда бу майдон гавжум бўлади. Келин-куёвлар ўтганлар бируҳини шод қилиш учун биринчи шу ерга келиб, руҳи покларига дуои фотиҳа ўқиб, пойларига гул қўйишади. Қатор бу бинолар эса савдо расталари. Тўрт қаватли бу бинолар, мана бу коттежлар ўтган йили фойдаланишга топширилди. Бу ҳашаматли бино — Никоҳ саройи, раҳбари — Раъно Бобоева. Раънохоним билан суҳбат қилсангиз, кеннойим билан келиб қайта никоҳдан ўтгингиз келиб кетади. Бу осмонўпар қаср — вилоят Марказий банки. Ортиқча пулингиз бўлса ёмон бўлмас эди. Ақчангиз болалагандан — болалайди. Бу оқшом ёшликни бир эслаб дунёнинг майда-чуйда ташвишларидан фориғ бўламан десангиз «Мадина»га кириб, буюртма бериб қўйиш ҳам қўлимиздан келади.

— Кирсак кирайлик. Тушлик қиладиган вақт ҳам бўлди.

«Мадина»га кирдик. Буюртмаларни бердик қарсиллатиб. Ғиждувоннинг кабоби билан беллашадиган кабоб дейсизми, фарғонача кўк, тошкентча памил чой дейсизми, уйғурча чўзма лағмон дейсизми —истаган таомингиз бир зумда дастурхон устида! Тез-тез келиб турадиган жой экан. Ошпазига ҳам балли.

Янги Халқлар дўстлиги кўчасига ҳам кирдик. Шаҳар ҳамда вилоят ҳокимиятлари оралиғидаги сайилгоҳнинг қоқ ўртасидамиз. Давлатимиз рамзи бош буюмининг тушадиган баландликдаги улкан қора мармар тепасига қўндирилган. Семург пойида туриб, бу ерларнинг яқингинадаги ҳолатини меҳмонга айтиб ўтмаслигим — изоҳ бермаслигим мумкин эмас эди:

— Биз турган ерлар билан Ўзбекистон ҳамда Халқлар дўстлиги кўчалари оралиғидаги ерлар беш-олти йил бурун ботқоқлик, ўт-ўлан, янтоқ, оқбош, ажриқ, қилич қамиш, бўйра қамишлардан кўча бўйлари эса пастак, кўримсиз уйлардан иборат эди. Ҳу, ана шу бино — вилоят кутубхонаси. Яқин-яқингача шаҳардаги энг муҳташам, энг салобатли иморатлардан бири саналар эди. Рўпарамиздаги уч қаватли бино — вилоят хўжалик суди. Ундан салкам бир чақирим наридагиси эса — «Супермаркет».

Бу гапларимга бир инониб, бир инонмай бир ҳайрат билан қулоқ тутаётган меҳмоним гапимни бўлади:

— Бу ҳали ЎТИШ ДАВРИда бўлаётган гаплар денг. Биласиз, ҳамма замон, ҳамма мамлакатларда ЎТИШ ДАВРИ қурбонсиз, талатўпсиз, қирғинбаротларсиз кечган эмас. Худога беадад шукур, сизларда ҳам, бизларда ҳам бу давр хамирдан қил суғиргандай силлиқ кечди. Бир қадар иқтисодий қийинчиликларни ҳисобга олмаганда...

Хўш, энди ўз айтар ўланимизга қайтали. Қулмуҳаммад оғанинг хаёлини бўлмали. Шаҳарни таништиришда давом этали:

— Қулмуҳаммад ака, ҳозир биз вокзал билан «Дўстлик» каналини туташтириб турувчи Амир Темир кўчасидамиз. Бу — машҳур деҳқон бозоримиз. Мутлақо қайта қурилиб, қайта таъмирланган. Ҳозир бозорнинг авжи қизиган пайти. Хизр оралаган чоғи. «Авазхон» достонини ўқиган бўлсангиз, унда бир бозорнинг таърифи бор. Шунга ўхшаш, бу ерда қалпоқдан тортиб қасқонгача, ундан тортиб жунгача, совундан тортиб қовунгача, Бахмалнинг «Беш юлдузли» олмасдан тортиб попоқининг қундузигача — одамнинг жонидан бўлак ҳамма нарса топилади.

Ўнг томондаги бино — Миллий банкнинг вилоят идораси. Сизларнинг тенгеларингиздан тортиб океан орти долларигача муомала қилиш мумкин. Бу энди «Гулистон» меҳмонхонаси. Бу меҳмонхонани сизга бежиз кўрсатмадим. Мабодо бугун қолар бўлсангиз қўноқ жой ҳам тайёр. Айтиб қўяй, бундан кейин Гулистонга вақтли — бевақт келар бўлсангиз яна «меҳмонхона»лашиб юрманг. Хафа бўламан. Тўғри бизникига ўта бергайсиз. Энди бир маслаҳат бор, оға.

— Қандай маслаҳат экан? Ёмон маслаҳат берадиган кишига ўхшамайсиз. Қани, эшитайлик.

— Кеча тунда Тошкентдан келатуриб кўрсатолмадим. Тўғриси, хиёл толиққан эдим. Эсимда борида яна бир-икки жойни кўрсатиб қўяй. Бу чор-атрофи боғу роғдан иборат маҳобатли бино — академик лицей. Қарийб тўрт юз ўғил-қизларимиз таълим-тарбия олишади. Академик лицей билан Гулистон Давлат университети (ҳу, ана у'бино) гўё бир данакнинг қўшалоқ мағизи. Университетнинг етук олимлари академик лицейнинг ўқувчиларига дарс беришади. Яхши ўқиганлари университетга кириб ўқий берадилар. Бу — Бизнес маркази. Энди ҳалиги тунда ўтган йўлимиздаги кошоналарга навбат: Буни Кемпинг дейдилар. Ўрта Осиё аҳамиятига молик улгуржи бозор — шу. Автоуловларга ёнилғи қуйиш шохобчаси ҳам шунинг ичида. Савдо расталарини кўздан кечириш учун камида беш-олти соатлик вақт керак бўлади. «Дўстлик» канали устига қурилган бу ҳашаматли бино — вилоят ижодкорлар саройи. Тушиб бир кўздан кечираман десангиз, ихтиёрингиз.

— Кўриниши жуда ваҳималиғу. Яхшини кўриш ҳам хайрлик. Яхшини кўриш ҳам хайрлиғу. Яхшини кўриш ҳам хайрли иш, деганлар. Бир кўрайлик. Қани, ижодкорлар уйи қандай бўлар экан?

Бизни хушрўй, хуш табиатли бир йигит кутиб олди. Дастурхон ёзиб, у-бу нарса олиб келган бўлди. «Овқат масаласига қандайсизлар», деди. «Андаймиз», дедик. Нўхати шўрва олиб келди. Шўрвамисан шўрва экан.

— Укажон, — дедим мен — бу киши Туркистон шаҳридан. Меҳмон. Саройнинг ичи-ташини, меҳмонхоналарини, саҳнини, ҳовузларини бир кўрсатиб чиқсангиз. Мен шаҳарга ғир-р этиб тушиб келаман. Бир ишим бор эди.

Меҳмон, дейишим билан ҳалиги йигит очилиб кетди. Исми Аъзамжон экан. Катта-катта давраларни кўриб, катта қозонлардан ош еган йигитлардан экан. Ярим соат вақт ичида саройнинг ҳам, хона, аслаҳаларини ҳам кўрсатиб чиқибди.

— Амир Олимхоннинг Моҳи хоссасидан ортиқ бўлса ортиқ, кам бўлмаган бу сияқли саройни умримда кўрмаганман. Ростдан ҳам ижодкорлар саройими? — деди меҳмон ҳайратини яшира олмай.

Аъзамжон жавоб берди:

— Ҳа, шундай,

— Ёпирай! Бу вилоятнинг шунга яраша шойир-пойири, ёзувчи-пазувчиси борми ўзи? Саид Аҳмад, Одил Ёқуб, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ўткир Ҳошимов... Билувимча, бу кишилар пойтахтларингизда яшайдилар. Ҳамма шоирлар, ёзувчилар ҳам.

— Сирдарёдан энди чиқадида, ўша сиз айтган ёзувчиларнинг деви.

— Бу бошқа гап.

Бўйи-басти неча-неча чақиримдан кўриниб турадиган бу арк мақомида қурилган саройнинг қурилиш тарихини сўзлаб беришдан бошқа иложим қолмаган эди.

Бироз вақт ўтди. Шаҳарда эски, кўримсиз бинолар бузилиб, янги иморатлар шиддат билан қурилаётган, сафарбарлик эълон қилинган ойлар. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи муовини Йўлдош Сулаймон, Муҳаммад Али, Турсунбой Адашбоевлар келишларини эшитиб типирчилаб қолдик. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Сирдарё вилояти бўлимининг алоҳида биноси йўқ эди. Шаҳар аҳли билан ёзувчиларнинг учрашуви Яшил театрнинг сиртида — паркнинг бир чеккасида ўтказиладиган бўлди. Ижодкорман деган шу ерда. Ёшу кекса китобхонлар. Микрофонлар ўрнатилган. Ёзувчилар уюшмасининг вилоятдаги вакили Ойниса Ортиқбоева учрашувни энди очмоқчи ҳам бўлаётган эди вилоят ҳокимига Ўктам Исмоилов бошлиқ ҳокимликнинг маданий-маърифий ишлар билан шуғулланадиган ходимлари келиб қолдилар. Ойниса одатдагидай ҳоким билан меҳмонларни таништирган бўлди. Сўз вилоят ҳокимига берилди. Ҳоким гапириш олдидан у ёқ-бу ёқни бир кўздан кечириб, гапни сўроқ беришдан бошлади:

— Бошқа бирон-бир тайинли ер йўқмиди, бу ердан бошқа?

— ...

— Тушунарли. Бир-икки йил ичида вилоят ижодкорларига атаб кўзга кўринарли, ҳавас қилгудай бир санъат саройи қурилиб, ишга туширилади. Катта учрашувлар, катта концертлар ўтказиладиган...

Муҳаммал Али, Йўлдош Сулаймон, Турсунбой Адашбоев, мезбон ижодкор-олимлардан — Анқабой Қулжонов, Равшан Маҳмудов, Умурзоқ Ўлжабоев, Баҳор Холбекова ва бошқа ёш ижодкорлар чиқиб, адабиёт ва санъат, маданият ҳақида гапирган бўлдилар. Концерт ҳам берилди. Ўйинлар ҳам бўлди. Тарқалишдик ҳам. Бунақа ваъдаларни кўп эшитганмиз, деб. Бизда ҳамиша гап бошқа, иш бошқа бўла келган, деб. Йўқ, биз янглишган эканмиз. Бу сарой 1999 йилнинг июнь ойида бошланиб, биринчи август куни ишга тушди.

Ўшандан бери бу ерда не учрашувлар, «Оталар чойхонаси», концертлар, қурултойлар, келин-куёв тўйлари бўлиб ўтди. Бу ер чинакам санъат саройига айланди.

Қулмуҳаммад оға: «Биргина шу бугун кўрган янгиликларим бир китобга сиғмайди. Етти йил бурун келганимдаги Гулистон билан бу кунги Гулистон ўртасидаги фарқ ақлга сиғмайди. Етмиш йилда қилинмаган, қилиниши мумкин бўлмаган бунёдкорлик ишларининг шу кейинги ўн йил ичида қилингани — Истиқлолнинг шарофати. Буни буюк қурилиш деса бўлади».

Вақт ҳам пешинга дахлдор бўлиб бормоқда эди. Ҳали мен меҳмонга кўрсатар, фахрланиб айтар жойларимнинг учдан бири турибди. Ҳали йўлдошимга кейинги уч-тўрт йил ичида қурилиб, ишга тушган Сузиш бассейни, Болалар уйи, вилоят нефть маҳсулотлари таъминоти корхонаси, Гулистон АТСи, вилоят давлат солиқ бошқармаси ва шунга ўхшаш муҳим нуқталарни кўрсатиб улгурганимча йўқ. Чамамда, бунинг иложи ҳам йўққа ўхшаб кўринди. Сабаби — биргина Гулистон пахта заводи ҳудудида ўтган йили бошланиб, шу йилнинг бошида фойдаланишга топширилган «Сарбонтекс» қўшма корхонасини батафсил таништиришим-кўрсатишим учун, билмадим, қанча вақт керак бўлар эди. Мамлакатимизга миллионлаб-миллиардлаб фойда келтирадиган бу қўшма корхонанинг жонфидо бошловчиси ким? Ҳомийси ким? Корхона ишлаб чиқарадиган бинт ва докаларнинг турлари қанча, уларнинг сифати қандай? Харидорлари қайси мамлакатлар? Бинонинг сатҳи, самоси, эни, бўйи, ҳавозаси? Ишлаб чиқариш цехлари? Ишчиларга яратилган шароитлар? Бинонинг биринчи ғиштини қўйган қандай бахтли банда?

Биргина шу корхонанинг таъриф-тавсифини бўяб-бўрттириб ёзмасдан борини борлиғича ёзар бўлсангиз борми? Биз анча биноларни тилга олиб ўтдик. Ҳў-ў-ў юқорида Тошкентдаги Ленин номидаги Халқлар дўстлиги саройининг қад кўтариши... Ленинг музейининг қурилиши... Ленин номи билан атамаганларида бу қасрлар қад кўтариб ҳам бўп эди.

### Латифа

***Бир амир отдан йиқилиб оёғи синибди. Дарҳол бир синиқчи-табибни топиб келибдилар. Амир табибга дебди:***

***— Тезлик билан оёғимни тузатмасангиз давлат ишлари издан чиқади.***

***Табиб ҳам ўйлаб-нетиб ўтирмасдан жавоб берибди:***

***— Давлат ишлари оёқ билан эмас, бош билан бошқарилади, деб эшитар эдим. Сиз давлатни оёқ билан бошқарасизми?***

***Амир хом гапириб, пишиқ жавоб эшитгани учун синиқчи-табибга минг тилло инъом этган экан.***

Биз етмиш йил мобайнида узоқ ўтмишимизга тош отиб келган эдик. Ўзимизни саводсиздан олиб саводсизга, мутедан олиб музтарликка солиб келдик.

Ҳали юқорида зикр этилганидай бизни Кремлнинг, қовуннинг ичига ўхшаб тўкилиб қолган «арбоблари» оёқ учида кўрсатиб келдилар. Турон — Туркистонимизни бошлари билан эмас, оёқлари билан бошқариб келдилар. Бор ҳақиқат — шу!

Меҳмонимнинг кетаман-кетаманга тушиб қолиши менга унча ҳам ҳазм бўлмади. Ҳозирча биз деярли кўчада гаплашиб юрдик. Бугун ҳали айтиб ўтган ҳамшаҳарларингизни чақирай. Жонлиқ сўяй биз ҳам одаммиз. Қўй кўрмасак ҳам қий кўрганмиз. Етиб олиб гаплашмасак қандай бўлади, дейишимга қулоқ солса кошки эди. Уйдан, икки кун —сўнгги кун келаман, деб чиқиб эдим. Илҳақ бўлишади. Унингсиз ҳам бир кунлик меҳмон-меҳмон. Икки кунлик меҳмон — йўлдаги карвон, деган гап бор. Миннатдорман. Шунча вақтингизни аямай хизматимни қилдингиз. Шаҳарни томоша қилдирдингиз. Энди бориш сиздан, хизматингизни қилиш биздан, деб туриб олди. Кўнмади. Нолож ўзлари бораётган манзилга — Усмон Юсупов номли хўжаликка хайр-хушлашиб кузатиб қўйдик.

Меҳмонга шаҳарнинг фақат сиртинигина таништириб ўтдим, холос. Ҳали шаҳарда, вилоятда бўлаётган, бўладиган не бир хайрли ишлар, қурилишлар, кишиларнинг кайфияти, ёруғлик томон, яхшилик томон қўйилаётган қадамлар ҳақида деярлик гап очилганича йўқ. Эндиги суҳбатимиз шулар ҳақида бўлгай.

Аслида, мен деганим — биз деганим. Сиз деганим — сирдарёликлар деганим. Сирдарёликлар деганим — Мирзаи азимни Мирза гулистонга — «оқ олтин» қитъасига айлантирган жафокаш эл-улус деганим.

«Бой ота» деганим — Боёвут туманидаги Усмон Юсупов номли хўжаликда яшовчи Лапас Эргашев деганим. Фермерликнинг кетидан бой бўлиб орттирган лақаби — унвони деганим.

Лапас Эргашев деганим ўтган асрнинг сўнгги ўн йиллиги (1990)гача қозонлари ҳам, қувонч-қайғулари ҳам, тиниқ туйғулари ҳам ўзгаларнинг қўлида бўла келган; ИСТИҚЛОЛ шарофати туфайли қўралари қўйлик, уйлари тўйлик; ҳамёнлари пуллик, дарёлари сувлик; енгил ва юк машиналик, трактор-тележкалик бўлган юзлаб-минглаб фермерлар деганим. Ўз тахти-бахтига, муаззам пойтахтига; ўз ер, ўз мулкига эга бўлган бободеҳқон деганим. Юртимизнинг эртаги ёруғ ва ёрқин куни, оқ ойдин йўли деганим.

Ҳали Сир бўйидаги бундай азаматлар ҳақимда кўнгилда айтадиган гаплар оз эмас. Вақти келиб, бу мавзуга яна қайтамиз ва гурунгимиз давом этади.

**Тўра СУЛАЙМОН,**
**Ўзбекистон халқ шоири.**
**Ортиқ Али НУРСУЛТОН,**
**журналист.**











